

## «Ҳадис ва Ҳаёт» тўпламининг 25-жузи қайта нашр этилди!



16:23 / 18.05.2019 2185

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг «**Нубувват хонадони хонимлари**» деб номланган 25-жузи.

«Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласининг мазкур жузи «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари фазилатлари» деб номланади.

Мазкур жузга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча азвожи мутоҳхаралари – пок жуфти ҳалоллари, қизлари ҳамда аҳли байтга энг яқин бўлган икки саҳобия - Умму Айман ва Умму Сулайм розияллоҳу анҳолар ҳақидаги маълумотлар киритилди. Ушбу камтарона ҳаракат самарасини «Нубувват хонадони хонимлари» деб номладик.

Мусулмонлар оmmasига бу улуғ зотлар ҳақидаги батафсил маълумотлар жуда ҳам зарур. Зеро, ҳозирги ва келгуси авлод аёл-қизларимиз, хонимларимиз учун шахсий ўрнатилган энг олий даражаси айнан ушбу пок зотлардир.

**Муаллиф:** Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

**Номи:** Ҳадис ва Ҳаёт. 25-жуз. «Нубувват хонадони хонимлари»

**Нашриёт:** «HILOL NASHR» нашриёт-матбааси

**Сана:** 2019 йил

**Ҳажми:** 456 бет

**ISBN:** 978-9943-4448-4-3

**Ўлчами:** 84×108/32

**Муқоваси:** қаттиқ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг **1254-сонли** тавсияси ила чоп этилган

**Ушбу китобда қуйидаги масалаларга оид маълумотлар олишингиз мумкин:**

Бешинчи фасл Набий алайҳиссаломнинг азвожлари фазллари  
Саййида Хадийжа бинти Хувайлид розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Саййида Оиша бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Савда бинти Замъа розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Ҳафса бинти Умар розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Зайнаб бинти Хузайма розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Умму Салама розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Жувайрия бинти Ҳорис розияллоҳу анҳонинг фазллари  
София бинти Ҳуяй розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Рамла бинти Абу Суфён розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Маймуна бинти Ҳорис розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Зайнаб бинти Расулуллоҳ розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Руқайя бинти Расулуллоҳ розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Умму Кулсум розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Фотима розияллоҳу анҳонинг фазллари  
Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мавлотлари Умму Айманнинг фазллари  
Умму Сулайм розияллоҳу анҳонинг фазллари